

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Нукус ш.

38 -сон

2022 йил "18" 01

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси номидан низом асосида фаолият юритувчи М.И.Калжанов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қорақалпоғистон филиали номидан низом асосида фаолият юритувчи Р.Жаримбетов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, харбийлаштирилган ва соқчилик куриқлаши куринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Қўриқлаш хизмати, қоровуллик бўлинмасининг 1 та 24 соатлик (соат 09:00дан 09:00гача) НЎП пости орқали, Нукус шаҳри Қ.Айымбетов кўчаси 33А уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қорақалпоғистон филиали (кейинги ўринда "объект" деб юритилади)ни Ижрочига топширади, Ижрочи эса Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси Нукус шаҳарлараро томонидан қўриқлашга қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш худуди, пост жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш кун ичида Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва харбийлаштирилган қўриқлаш объектга 30 иш кун ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига 12663000 (Охи ёши миссияси айта ишқ салмас уни миссия) сўм 00 тийин,
3 ойга 37989000 (Охи миссия миссияси 70% ишқ салмас 70% ишқ салмас) сўм — тийин;